

«Тошкент механика заводи»
акциядорлик жамияти
акциядорларининг 2019 йил 29 октябрдаги
навбатдан ташқари умумий йиғилиши
№ 4 сонли баённомаси билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ
Бошқарув раиси
«Тошкент механика заводи» АЖ
Кузатув Кенгаши раиси



Х.Н. Хасилов

**«Тошкентмеханика заводи» акциядорлик жамияти
УСТАВИ**
(янги тахрирда)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «Тошкент механика заводи» Акциядорлик жамияти (бундан кейинги бандларда "Жамият" деб номланади), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «ТАИЧБ» ДАЖ нинг амал қилиш муддатини чекловсиз бўшатилаётган ишлаб чиқариш майдонларидан рационал фойдаланиш тадбирлари тўғрисидаги» 4 апрель 2012 йилдаги қарори асосида ташкил топган.

1.2. Жамият, Тошкент шаҳри Яшнобод туман Хокимиятининг тадбиркорлик субъектларни рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 29 май 2015 йилда № 004904-07 –сон рўйхатга олинди.

1.3. Жамият, ўзгартириш пайтига «ТАИЧБ» ДАЖ ҳисобидаги барча мавжуд мол-мулк, пул маблағлари ва бошқа молиявий ресурслар, шунингдек мажбуриятларнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.4. Жамият, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 апрель 2015 йил ПФ-2341-сонли «Тошкент механика заводи» АЖ фаолияти самарадорлигини ошириш ва жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Қарори асосида корхона акциялари давлат пакетини «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ устав фондига ўтказиш билан «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ташкилий тузилмасига қўшилган.

1.5. Жамият, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палата қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари, буйруқлари, ушбу Уставга амал қилади.

1.6. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга (бундан кейинги бандларда «Қонун») мувофиқ, Жамиятнинг ҳуқуқий ҳолати – акциядорлик жамиятдир.

1.7. Жамият, юридик шахс бўлиб, ўзининг алоҳида мол-мулкига, шу жумладан устав фондига (устав капиталига) ўтказилган мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка эга, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.8. Жамиятни тузиш, уларнинг фаолияти, янгидан ташкил қилиниши ва уларни тугатиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари билан тартибга солинади.

1.9. «Жамият ўзининг тўлиқ фирма номи давлат тилида ифодаланган ва жамиятнинг жойлашган ери кўрсатилган думалоқ муҳрга эга бўлишга ҳақли. Жамиятнинг муҳрида унинг фирма номи жамиятнинг танловига кўра бошқа тилларда ҳам ифодаланиши мумкин».

Жамият ўз номи ёзилган штамп ва бланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар нишонига ҳамда бошқа ўз белги-аломатларига, товарлар иш ва хизматлар, фуқаролик муомаласи иштирокчиларинг индивидуаллаштириш воситаларига эга.

1.10. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида: **«Toshkent mexanika zavodi» aksiyadorlik jamiyati;**

Рус тилида: **акционерное общество «Ташкентский механический завод».**

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида: **«TMZ» AJ;**

Рус тилида: **АО «TMЗ».**

1.11. Жамиятнинг манзили (почта манзили): **Ўзбекистон Республикаси, 100016, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 61.**

Электрон почта манзили: admin@tmz.uz

1.12. Жамият, ўз жойлашган манзилининг (почта манзилининг) ва электрон почта манзилининг ўзгариши ҳолатида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш органларини ёзма равишда билдириш хати юбориш орқали, акциядорларни эса оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан хабардор қилади.

1.13. Жамият, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида банкда ҳисобварақлар очишга ҳақлидир.

1.14. Жамият, филиаллар ташкил этиши ҳамда ваколатхоналар очиши мумкин.

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакат қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

1.15. Жамият, акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шуъба ва тобе ҳўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

Агар жамият овоз берувчи акцияларнинг (улушларнинг) йигирма фоизидан зиёдроғига эга бўлса, бу жамият тобе ҳўжалик жамияти деб тан олинади.

Шуъба ва/ёки тобе ҳўжалик жамияти, жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмади.

Жамият, ўзининг тобе ҳўжалик жамиятига бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар беришга ҳуқуқли бўлади, ва шундай кўрсатмаларни бажариш учун шуъба ҳўжалик жамияти томонидан тузилган битимлар юзасидан шуъба ҳўжалик жамияти билан солидар жавобгар бўлади.

1.16. Жамият, қонунчилик билан назарда тутилган тартибда, корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларининг ташкил қилинишида иштирок этишга ҳақли.

1.17. Жамият, нотижорат ташкилотларда иштирок эта олмайди.

1.18. Жамият, ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгар бўлади.

1.19. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар.

Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

1.20. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.21. Давлат ва унинг органлари жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Жамият, тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий хўжалик фаолиятидан даромад олиш ҳисобланади.

2.2. Жамият фаолиятининг (жорий фаолиятининг) мақсади, қуйидагилар ҳисобланади:

- Ил-114 ва Ил-76 туркумига кирувчи самолётларни таъмир қилиш ва учиш яроқлилигида сақлаб туришини таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатиш, ҳамда улар учун эҳтиёт қисмлар ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий ҳаво кучлари томонидан қўлланилиб келинаётган турли хил авиация техникасининг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш, учиш яроқлилигида сақлаб туришини таъминлаш ва таъмир қилиш бўйича хизмат кўрсатиш орқали Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги манфаатида заводнинг мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятини қўллашни кенгайтириш;

- учувчисиз учиш аппаратларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;

- планер агрегатларини ишлаб чиқариш, сотиш, амалга ошириш;

- авиация техникасини ва унинг таркибий қисмларини модификация қилиш, техникавий хизмат кўрсатиш;

- темирйўллари корхоналари билан биргаликда темирйўллари техникаси ва асбоб-ускунаси, шунингдек эҳтиёт қисмлари ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқарилиши ташкиллаштириш;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг яратилиши ва модернизацияланиши соҳасида илмий-текшириш ва тажрибавий-конструкторлик ишлар;

- Жамият корхоналари билан биргаликда принцип жиҳатидан янги техник воситалари, технологиялари ва материалларининг яратилиши ва қўлланиши бўйича илмий-текшириш ва тажрибавий-конструкторлик ишларнинг биринчи ўриндаги йўналишларини белгилаш, бу ишларни амалга ошириш учун маблағ билан таъминлаш;

- юксак технологик рақобатга бардош берувчи маҳсулотнинг (техника, механизмлар ва халқ истеъмол моллари) янги турларини ўзлаштириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шу жумладан, мавжуд бўлган майдонларда чет эллик сармоядорлар билан кўшма корхоналарни ташкил қилиш йўли билан;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ва техник савиясини ошириш;

- импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар, эҳтиёт қисмлари, узеллар, деталлар, Жамиятнинг таъмир-эксплуатация қилиш эҳтиёжлари ва ривожланиши учун керакли асбоб-ускуна ишлаб чиқарилишини ривожлантириш ва йўлга қўйиш;

- буюртмалар портфелининг шаклланишини таъминлаш, шу жумладан лизинг асосида;

- атроф муҳитни ҳимоя қилиш бўйича талабларга риоя этилишини таъминлаш;
- инновация фаолиятини ўтказиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминловчи молиявий саноат гуруҳлари ва интеграциянинг бошқа шакллари ва кооперацияларнинг ташкил қилинишида иштирок этиш;
- инвестицияларни кенг қўламда жалб қилиш, маҳсулот, иш ва хизматларни ишлаб чиқариш, сотиш бўйича илғор чет эл фирмалари ва компаниялари билан қўшма корхоналар ва ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш;
- авиатранспорт ва автотранспорт юк ва йўловчи ташишлари;
- янги техника ва технологияларни ишлаб чиқариш, жорий қилиш ва амалга оширилишини ташкил қилиш;
- қурилиш, савдо-сотиқ, воситачилик фаолияти, давлат ҳудудида ва ташқарисида кўчар ва кўчмас мулкни сотиб олиш ва ижарага бериш;
- кўргазма, салонлар, аукцион ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларни давлат ичида ва ташқарисида ташкил этиш ва қатнашиш;
- Жамиятнинг халқаро ҳамкорлиги ва ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтириш, маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш;
- қимматли қоғозларни чиқариш;
- бошқа акциядорлик жамиятлари сармоясида қатнашиш;
- нашриётчилик ва ахборот фаолиятини амалга ошириш, нашриёт маҳсулотини ишлаб чиқариш;
- ўз ишлаб чиқариши ва тарафдор ташкилотлар учун керакли бўлган мутахассисликда иш кадрларини тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайтадан тайёрлаш.

2.3. Жамият, юқорида санаб ўтилган фаолият турларидан ташқари, қонун ҳужжатларида ман этилмаган исталган тадбиркорлик фаолият тури билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин.

2.4. Агарда, маълум бир фаолият тури билан шуғулланиш учун махсус рухсат (лицензия) талаб қилинадиган бўлса, Жамият рухсатни (лицензияни) олгандан сўнг шу фаолият тури билан шуғулланади.

2.5 Жамият томонидан ташқи иқтисодий фаолият, қонунчилик билан ўрнатилган тартибга кўра амалга оширилади.

III. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

3.1. Жамиятнинг Устав фонди, Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланadi.

3.2. Жамиятнинг Устав фонди, 110 229 584 000 (бир юз ўн миллиард икки юз йигирма тўққиз миллион беш юз саксон тўрт минг) сўмни ташкил этади ва бир акциянинг номинал қиймати 4 000 (тўрт минг) сўм миқдоридан 27 557 396 (йигирма етти миллион беш юз эллик етти минг уч юз тўқсон олти) дона оддий акцияга тақсимланган.

3.3. Жамият, жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда, жами номинал қиймати 525 376 016 000 (беш юз йигирма беш миллиард уч юз етмиш олти миллион ўн олти минг) сўм бўлган, бир акциянинг номинал қиймати 4 000 (тўрт минг) сўмлик 131 344 004 (бир юз ўттиз бир миллион уч юз қирқ тўрт минг тўрт) дона акцияни жойлаштиришга ҳақли.

а) Жамият устав фондини кўпайтириш

3.4. Жамиятнинг устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.5. Қўшимча акциялар жамият томонидан жамият уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамият устав фондини кўпайтириш, Жамиятнинг ўз капитали, инвестицияларни жалб қилиш, ҳамда қонун

ҳужжатлари билан ўрнатилган тартибда ҳисобланган дивидендлар ҳисобига амалга оширилади.

Ўз капитали ҳисобига Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамият устав фондини кўпайтиришда, бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга унга тегишли акциялар миқдорига мутаносиб равишда, унга тегишли бўлган типдаги акциялар тақсимланади.

б) Жамият устав фондини камайтириш

3.6. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шарти билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.

IV. ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ

4.1. Жамиятнинг акциялари, эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий (овоз берувчи) ҳисобланади.

Акция бўлинмайди.

Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.

4.2. Жамият, қонунчиликка мувофиқ корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ва жойлаштиришга ҳақли.

V. ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН АКЦИЯЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

5.1. Жамият, акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

Акцияларнинг очиқ обунаси, фақат қимматли қоғозларнинг биржа ва ташкиллаштирилган биржадан ташқари бозорида ўтказилади.

5.2. Жамиятнинг акция ва бошқа қимматли қоғозларининг жойлаштиришида уларнинг тўлови пул маблағи ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк билан, шунингдек пул қийматидаги ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ) билан амалга оширилади. Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини тўлаш тартиби, уларнинг чиқарилишига доир қарор билан белгиланади.

Жойлаштириш пайтида Жамиятнинг акциялари ва ва бошқа қимматли қоғозларини тўлаш, уларнинг чиқарилишига доир қарорда белгиланган нархдан паст бўлмаган нархда амалга оширилади.

5.3. Жамият устав фондининг ўз капитали ҳисобига кўпайтирилишида Жамиятнинг қўшимча акцияларини, шунингдек қўшимча акциялар билан тўловини амалга ошириш тўғрисида қарори олинган дивидендларни тўлаш ҳолатида, бундай акцияларни жойлаштириш, Жамият акцияларининг номинал қийматида амалга оширилади.

VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Акциядорлар:

- уларни Жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиши;
- депозитарийдаги депо ҳисобидан ўзлари ҳақида кўчирмалар олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- акциядорлик жамияти тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг Умумий йиғилишларида овоз бериш йўли билан Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

- акциядорларнинг Умумий йиғилишида ўз вакилини алмаштириш ёки шахсан ўзининг унда иштирок этиши. Акциядорларнинг умумий йиғилишида Акциядор вакили, ёзма равишда тузилган ишончнома асосида ҳаракат қилади.
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида ўрнатилган тартибда тўлиқ ва тўғри ахборот олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат идорасида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоялаш;
- ўрнатилган тартибга биноан унга етказилган зарарларнинг қопланишини талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ҳимоялаш ва ифодалаш мақсадида уюшма ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларга бирлашиш;
- миноритар акциядорлар Қўмитасини ташкил этиш йўли билан ўзининг қонуний манфаатларини ҳимоялаш;
- қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш ҳуқуқига эга.

6.2. Акциядорлар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ўзларига тегишли акцияларни қайтариб сотиб олишини талаб қилишга ҳақли.

6.3. Жамият томонидан корпоратив ҳаракатларни ўтказишда, акциядорнинг акциядорлар Умумий йиғилишида иштирок этиши, дивидендларни олиши ва қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш, Жамият акциядорлари реестри асосида ўтказилади.

6.4. Акциядор томонидан ҳуқуқларини амалга ошириш, бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимояланаётган манфаатларини бузмаслиги керак.

6.5. Жамият акциядорлари куйидагиларга мажбурдир:

Жамият акцияларини қонунчилик, мазкур устав ва акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарорларда назарда тутилган муддатда, тартибда ва усуллар билан тўлаш;

Жамият фаолиятига тегишли бўлган масалалар бўйича махфий ахборотни ошкор қилмаслик;

Унинг акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатувчи депозитарийни ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлари ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш. У ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни акциядорларга тақдим этмаган ҳолларда, Жамият шунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

Жамиятнинг эллик (50) ёки ундан ортиқ фоиз акциясига эга бўлиб қолган шахс, ўттиз кун мобайнида қолган акция эгаларига акцияларини бозор нархида унга сотиш тўғрисида таклифни эълон қилишга мажбур, агарда мазкур шахс бундан аввал Жамиятнинг акцияларига эгаллик қилмаган ёки 50 фоиздан камроқ Жамият акцияларига эгаллик қилган бўлса. Эълон қилинганидан сўнг ўттиз кун мобайнида акциядорнинг Жамиятда унга тегишли акцияларини сотиш тўғрисида ёзма равишдаги розилиги олинган тақдирда, Жамиятнинг эллик (50) ёки ундан ортиқ фоиз акциясига эга бўлган шахс, мазкур акцияларни сотиб олишга мажбурдир.

Акциядорлар, қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.6. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кириш ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма, акциядорнинг акцияга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

VII. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ.

7.1. Жамият, эълон қилинган акциялар бўйича дивидендларни тўлаши шарт. Дивиденд –акциядорлар ўртасида тақсимланадиган, Жамиятнинг соф даромад қисмидир.

Дивидендларни тўлаш муддати, тартиби ва шакли, Акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

Дивиденд, акциядорлар ўртасида уларга тегишли акция миқдорига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.2. Жамият, молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойлиги натижалари ва (ёки) молиявий йил натижалари бўйича жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендларни тўлаш тўғрисида қарорларни қабул қилишга ҳақлидир.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойлиги натижалари бўйича дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарори, фақатгина тегишли давруганидан сўнг қабул қилиниши (чиқарилади) мумкин.

7.3. Эгаси ёки унинг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан 3 (уч) йил мобайнида талаб қилиб олинмаган дивиденд, Акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарори билан Жамият тасарруфида қолади.

7.4. Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

7.5. Жамият:

агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) белгилари бўлса ёки дивидендлар тўлаш натижасида жамиятда шундай белгилар пайдо бўлса;

жамият соф активларининг қиймати унинг устав ва захира фондлари суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлашга ва тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

7.6. Жамият, дивидендларнинг миқдорини уларга солиқ ҳисобисиз эълон қилади.

VIII. ЖАМИЯТНИНГ ЗАҲИРА ФОНДИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРИ

8.1. Жамиятда унинг устав фондидан 25 (йигирма беш) фоиз миқдоридан заҳира фонди тузилади. Жамиятнинг заҳира фонди, мазкур уставда назарда тутилган белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали ташкил этилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори, мазкур уставда назарда тутилган белгиланган миқдорга етгунга қадар соф фойдадан камида 5 (беш) фоизни ташкил қилади.

Жамиятнинг заҳира фонди кўрилган зарарни қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини тўлаш ва бошқа маблағлар йўқлигида Жамиятнинг акцияларини сотиб олиш учун мўлжалланади.

8.2. Жамият, бошқа фондларни ташкил этишга ҳақлидир.

IX. ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛКИ, МАБЛАҒЛАРИ ВА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ

9.1. Жамиятнинг мол-мулки, моддий, шу жумладан пул маблағлари, қимматли қоғозлар, улушлар (пай, ҳиссалар) ҳамда эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф объекти бўла оладиган номоддий объектларни ташкил этади.

9.2. Жамият, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулқига эга, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулқӣ ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

9.3. Жамиятнинг мол-мулки қуйидагилар ҳисобидан шаклланади:

- Товар, иш, хизмат реализациясидан, шунингдек хўжалик фаолиятининг бошқа турларидан олинган даромадлардан;
- Сотиб олинган қимматли қоғозлардан келган даромадлардан;

- Нодавлат мулкчилик шакли субъектларининг устав капиталида улушли иштирок этишдан тушган тушумдан, шу жумладан акциялар бўйича дивидендлар шаклида олинган даромадлардан;

- Марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган ажратилган пуллар ва маблағлар; Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан таъқиқланмаган бошқа манбалардан.

9.4. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Жамият ва унинг тузилишидаги корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, шунингдек янги ташкил этиладиган корхоналар ўртасида текинга топшириладиган (қабул қилинадиган) мол-мулкнинг нархи, даромад (зарар) деб ҳисобланмайди, ва қабул қилувчи (топширувчи) томонда даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқлари бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди.

9.5. Янги объектларнинг қурилиши ва мавжуд объектларнинг реконструкцияси, ишлаб турувчи корхоналарни кенгайтириш, реконструкция ва техник жиҳозлаш, сотиб олиш, модернизацияси, тубдан тикловчи таъмири, Жамиятнинг ўз маблағлари ва бошқа хил маблағлар билан таъминлаш ҳисобига қурилишларнинг адресли дастури ва Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига мувофиқ амалга оширилади.

Х. ЖАМИЯТНИ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛИШИ

10.1. Жамиятнинг бошқарувчи органлари, акциядорларнинг Умумий йиғилиши, Кузатув Кенгаши ва коллегиял ижроия органи - Бошқарув ҳисобланади.

а) Акциядорларнинг умумий йиғилиши

10.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, жамиятни бошқаришнинг олий органидир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамиятнинг Кузатув Кенгаши раиси, узрли сабабларга кўра унинг йўқлигида Жамият Кузатув Кенгаши аъзоларидан бири юритади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш тартиби, Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тартибига кўра акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорларини қабул қилиш тартиби, Жамият акциядорлари умумий йиғилиши билан тасдиқланадиган “Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳақидаги” Низоми билан белгиланади.

10.3 Жамият, ҳар йили акциядорларнинг Умумий йиғилишини (акциядорларнинг Йиллик Умумий йиғилиши) ўтказилади.

Акциядорларнинг Йиллик Умумий йиғилиши, молиявий йил тугаганидан сўнг кечи билан 6 (олти) ойда ўтказилади.

10.4 Акциядорларнинг Йиллик Умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган йиғилишлар, навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.

10.5 Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

- жамиятни қайта ташкил этиш;

- жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ва Жамиятнинг миноритар акциядорлари қўмитаси миқдор таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- Жамиятнинг устав фондини камайтириш;

- ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;

- Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;

- Жамиятнинг йиллик ҳисоботларини, шунингдек Жамиятнинг асосий йўналиши ва фалият мақсадларидан келиб чиққан ҳолда маълум муддатларни белгилаш

орқали ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврга Жамият ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш;

- Жамият даромад ва зарарларини тақсимлаш;
- Жамият Кузатув Кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколатига кирадиган масалаларга доир, шу жумладан жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишига доир ҳисоботларини эшитиш;

- Жамият Кузатув Кенгашига тўланадиган ҳақ ва (ёки) бадалларни белгилаш;
- Жамият Тафтиш комиссиясига тўланадиган ҳақ ва (ёки) бадалларни белгилаш;
- умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- Қонунчилик билан назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан йирик битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Қонунчилик билан назарда тутилган ҳолларда, аффилланган шахслар билан битимларни Жамият билан тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қонунчиликда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

10.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган расмий эълон қилинган санадан 3 (уч) иш кун олдин шакллантирилган жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

Акциядорнинг талабига биноан жамият акциядорга акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорлари реестрига киритилганлиги тўғрисидаги ахборотни тақдим этади.

10.7 Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, йиғилишда иштирок этаётган жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози (оддий кўпчилик билан) билан қабул қилинади.

10.8 Қуйидаги масалалар бўйича қарорлар:

- Жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

- жамиятни қайта ташкил этиш;

- жамиятни тугатиш, тугатувчини (Тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- Жамият Кузатув Кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколатига кирадиган масалаларга доир, шу жумладан жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишига доир ҳисоботларини тасдиқлаш;

- Қонунчилик билан назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Қонунчилик билан назарда тутилган ҳолларда, аффилланган шахслар билан битимларни Жамият билан тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози (баҳоланган кўпчилиги билан) билан қабул қилинади.

10.9. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

10.10 Акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари, қонунчилик билан назарда тутилган тартиб ҳамда муддатларда акциядорлар эътиборига етказилади.

10.11 Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

10.12 Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1(бир) фоизига эга бўлган жамият акциядорлари (акциядори) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин узоғи билан 30 кун ичида, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият Кузатув Кенгаши ва Жамият Тафтиш Комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор), акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги ахборотнинг чоп этилган санасидан кечи билан 3 (уч) иш кун ичида Жамиятнинг Кузатув Кенгаши ва Жамиятнинг Тафтиш Комиссиясига улар томонидан кўрсатилган номзодлар рўйхатиغا ўзгартириш киритишга ҳақли.

10.13 Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув Кенгашининг қарори билан унинг ўз ташаббусига биноан, Жамият Тафтиш Комиссияси талабига кўра, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талаби билан ўтказилади.

10.14 Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тамом бўлган пайтга келиб, жамиятнинг тарқатилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 (эллик) фоиздан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворум тўплаган) ҳисобланади.

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибига ўзгартишлар киритишга йўл қўйилмайди.

Ўтказилмай қолган йиғилиш ўрнига акциядорларнинг янги чақирилган умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тугаган пайтга келиб, жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 (қирқ) фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатга олинган бўлса, бу умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

Акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш қонунчиликда назарда тутилган тарзда ва муддатларда амалга оширилади.

Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 (йигирма) кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар, ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

10.15 Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

10.16 Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорлар умумий йиғилиши ёпилганидан кейин кечи билан 10 (ўн) кун ичида икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

б) Жамиятнинг кузатув кенгаши

10.17 Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, қонунчилик билан акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Жамиятнинг Кузатув Кенгаши, қонунчиликка, мазкур устав ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши билан тасдиқланадиган “Жамиятнинг Кузатув Кенгаши тўғрисидаги” Низомга мувофиқ ҳаракат қилади.

10.18 Жамият кузатув кенгашининг миқдор таркиби - 9 (тўққиз) кишидир.

10.19 Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига қўйидагилар киради:

- Жамиятнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият Ижроия органининг ҳисоботини мунтазам эшитиб бориш билан биргаликда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- Керак бўлган ҳолларда, Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш мақсадида мустақил ташкилотни конкурс асосида жалб қилиш;

- Жамиятнинг бизнес-режасида белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги;

- Корпоратив бошқарув Кодексининг бажарилиши устидан назорат қилиш;

- Жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, ушбу Қонун 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақти ва ўтказиш жойини белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- Жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этишни акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек уларнинг ҳисоботларини ҳар чорақда эшитиб бориш;

- Жамиятнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан Кузатув Кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан Кузатув Кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;

- Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан тавсиялар бериш;

- акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби, шакли юзасидан тавсиялар бериш;

- Жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- Жамиятнинг ваколатхоналарини очиш ҳамда филиалларини ташкил этиш;

- Жамиятнинг тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш;

- Қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият активлари баланс қийматининг ун беш фоизидан эллик фоизгачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида бўлган йирик битим тузиш тўғрисидаги қарорнинг яқдиллик билан қабул қилиниши;

- Жамиятнинг аффилланган шахслар билан битимларни тузганлиги тўғрисида қарорни яқдиллик билан қабул қилиниши. Агарда Жамиятнинг икки ёки ундан ортиқ аъзоси аффилланган шахс деб ҳисобланса, битим юзасидан қарор, акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади;

- Жамият иштирокида тижорат ва нотижоратташкилотлари билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда битимларни тузиш;

- жамиятнинг коллегиал ижроия органини ташкил қилиш, Бошқарув раисини ва Бошқарув аъзоларини танлаш (тайинлаш), ҳамда уларнинг ваколатини муддатидан олдин бекор қилиш;

- Жамиятнинг Кузатув Кенгаши, Жамият бошқарув раиси ва аъзолари билан тузилган шартномани, агар шартнома тузишда улар жамият уставини қўпол тарзда бузишга йўл қўйган бўлса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга;

- Жамият бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни белгилаш;

- Жамият йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамият устав фондини (устав капиталини) кўпайтирилиши ва Жамиятнинг эълон қилинган акциялар сонининг камайрилиши билан боғлиқ, Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчаларни кириш тўғрисидаги масалалар бўйича, шунингдек Жамият устав фондини кўпайтириш бўйича қарор қабул қилиш;

- Қонунчиликда ўрнатилган тартибда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозлар биржа ва биржа ташқарисидagi бозорига чиқариш) баҳосини белгилаш;

- Жамият томонидан корпоратив облигацияларнинг, шу жумладан акцияларга айирбошланадиганларнинг чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- эмиссия маълумотномасини тасдиқлаш;

- қимматли қоғозларнинг олдин рўйхатдан ўтган чиқаришларига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш, ҳамда қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қароридa ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар матнини тасдиқлаш;

- Жамият Кузатув Кенгаши ваколатларига қонунчиликка мувофиқ бошқа масалаларнинг ҳам ҳал қилиниши киритилиши мумкин.

10.20 Жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолари акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қонунчиликда ва ушбу уставда назарда тутилган тартибда 1 (бир) йил муддатга сайланади.

Жамият Кузатув Кенгаши тақибига танланган шахслар, чексиз равишда бошқатдан сайланиши мумкин.

Жамиятнинг бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари, Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланила олинмайди.

Жамиятда меҳнат шартномаси (контракти) бўйича ишловчи шахслар, Жамият Кузатув аъзолари бўла олмайдн.

Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар, Жамият акциядорлари Умумий йиғилиши билан тасдиқланадиган “Кузатув Кенгаши тўғрисидаги” Низом билан белгиланади.

10.21 Жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

10.22 Жамият Кузатув Кенгашининг раиси Кузатув Кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Кузатув Кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

Жамият Кузатув Кенгаши, ўз раисини Кузатув Кенгаши жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

Жамият Кузатув Кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув Кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, Жамият акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади.

Жамият Кузатув Кенгашининг раиси йўқлигида унинг вазифасини Кузатув Кенгаши аъзоларидан бири бажариб туради.

10.23 Жамият Кузатув Кенгашининг мажлиси, Кузатув Кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббуси билан, Кузатув Кенгашининг аъзоси, Тафтиш Комиссиясининг, жамият Бошқарув аъзоси талабига биноан чақирилади.

Жамият Кузатув Кенгашининг мажлиси, Кузатув Кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббуси билан камида чорақда 1 (бир) марта ўтказилади. Керак бўлган

ҳолларда, Жамият Кузатув Кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ўтказилиши мумкин.

Жамият Кузатув Кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум, кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75 (етмиш беш) фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Кузатув кенгаши аъзоларининг сони ушбу уставда назарда тутилган миқдорнинг 75 (етмиш беш) фоизидан кам бўлиб қолса, Жамият Кузатув Кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг фавқулодда (навбатдан ташқари) умумий йиғилишини чақириши шарт.

Жамият Кузатув Кенгашининг қолган аъзолари, Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақирилиши тўғрисида қарор олишга ҳақли, шунингдек Жамият бошқарув раисининг ваколатини муддатидан аввал бекор қилиниши ҳолларида эса, вақтинчалик унинг вазифасини бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор олишга ҳақлидир.

10.24. Жамият Кузатув Кенгашининг мажлисида қарорлар, агар Қонунда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

10.25. Қуйидаги масалалар бўйича:

Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисида;

Жамият томонидан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларнинг чиқарилиши тўғрисида;

Жамиятнинг аффилланган шахслар билан битимларни тузганлиги тўғрисида қарорлар, яқдиллик билан Жамиятнинг Кузатув Кенгаши томонидан қабул қилинади.

10.26. Жамият кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Кузатув кенгашининг қарорини қабул қилишда Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлинган ҳолларда, жамият кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланиди.

10.27. Жамият Кузатув Кенгашининг қарорлари, Кузатув Кенгашининг барча аъзолари томонидан яқдиллик билан сиртдан овоз беришни ўтказиш йўли билан (сўров йўли билан) қабул қилиниши мумкин.

10.28. Жамият Кузатув Кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай тузилади.

Жамият Кузатув Кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув Кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлисининг баённомаси тўғрилиги учун жавобгардир.

10.29. Жамият Кузатув Кенгаши мажлисининг баённомаси, имзоланган куни Жамият Бошқарувига бажарилиш учун берилади. Кузатув Кенгаши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор олиниши тақдирида, мазкур қарор тўғрисидаги ахборот, Кузатув Кенгаши мажлиси ўтказилган куни Жамият Бошқарувига етказилади.

в) Ижроия органи – Жамиятнинг Бошқаруви

10.30. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик, Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ёки Жамият Кузатув Кенгаши ваколати доирасига кирувчи масалалардан ташқари, Жамиятнинг коллегиял ижроия органи - бошқарув томонидан амалга оширилади.

Бошқарув, қонунчиликка, ушбу уставга ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Ижроия Органи ҳақидаги Низом”га мувофиқ ва Жамият устави асосида иш кўради.

Жамият Бошқаруви, акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув Кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил қилади.

10.31 Бошқарувнинг миқдор таркиби, 9 кишидан иборат.

10.32 Жамият Бошқаруви раисининг ва (ёки) унинг аъзоларининг тайинланиши, одатда конкурс танлови асосида амалга оширилади, унда бир йил муддатга мазкур муддатни чўздириш имконияти ёки бекор қилиш тўғрисида қарорни ҳар йили қабул қилиши шарти билан чет эллик менеджерлар қатнашиши мумкин.

Бошқарув раиси ва унинг аъзолари билан меҳнат шартномаси, Жамият Кузатув Кенгаши раиси ёки Жамият Кузатув Кенгаши томонидан тайинланган ваколатли шахс томонидан Жамият номидан имзоланади.

10.33 Жамият Бошқаруви ваколатига қуйидагилар киради:

- Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- Жамият фаолиятини такомиллаштириш, илмий-техник ва ижтимоий ривожлантириш бўйича таклифларни тайёрлаш;
- маркетинг тадқиқотларини юритиш;
- кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ихтисослигини ошириш бўйича ишларни ташкил қилиш;

- Жамият йиллик бизнес-режаларини тайёрлаш;
- Жамият уставига ўзгартиришлар ва қўшимчаларни киритиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

- Жамият ички норматив ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- Қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари қийматининг 15 фоизгача ташкил этувчи мол-мулк хусусида бўлган битим тузиш, бунда қарор Жамият бошқаруви томонидан яқдиллик билан қабул қилинади. Битим тузиш масаласида жамият бошқарувининг яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала жамият бошқарувининг қарорига мувофиқ Жамият Кузатув Кенгаши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин;

- Жамият ташкилий тузилмасига кирувчи корхоналар, ташкилотлар, муассасаларни ўрнатилган тартибда ташкил этиш, қайта ташкил этиш, сотиш, тугатиш бўйича таклифларни тайёрлаш, ушбу масалалар бўйича таклифларни Жамият Кузатув Кенгашига киритишга тайёрлаш;

- Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамият мол-мулкни, шунингдек тобе хўжалик жамиятлари фаолиятини бошқариш;

- Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва Оммавий ахборот воситаларида барча акциядорларга ахборот бериш шарти билан, ўтган ҳисобот йили учун соф даромад қисмида Жамиятнинг бизнес –режаси кўрсаткичларини бажариш шарти билан ва ўтган йилда олинган соф фойдадан фақатгина 3% дан ортиқ бўлмаган миқдор доирасида хайрия (спонсорлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) ва у тўғрисида қарор олиш тартибини белгилаш;

- Жамиятнинг молиявий –иқтисодий ишини ташкил қилиш;

- Жамият ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари, тизими ва миқдорларини тақсиқлаш, шунингдек хўжалик фаолияти натижаларига кўра ходимларни мукофотлантириш таклифларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

- Қонунчилик билан назарда тутилган бошқа масалалар.

10.34 Бошқарув аъзоларининг ваколатига қуйидагилар киради:

- Жамият Бошқаруви мажлисларида шахсан қатнашиш, мажлисда муҳокама қилинадиган ҳар қандай масала бўйича нутқ сўзлаш;

- Жамият фаолиятига тегишли бўлган ҳужжатлардан ўзларига юкланган вазифаларни бажариш мақсадида эркин фойдаланиш;

- Жамият фаолиятни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

- Жамият фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилаш бўйича таклифлар киритиш;

- Жамият уставига ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар киритиш, Жамиятнинг ички ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритиш;

- Мукофот олиш; бунда мукофот миқдори Жамият фаолиятнинг самарадорлигига тўғридан тўғри боғлиқ бўлиб, меҳнат шартномаси билан белгиланади.

- Бошқариш аъзолари, қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Бошқарув аъзолари мажбурдир:

- Жамият манфаатларида иш юритиш;
- Ўз мажбуриятларини улар билан тузилган меҳнат шартномаси моддаларига мувофиқ тегишли равишда бажариш;

- Ҳар ой Бошқарув йиғилишига унга юклатилган масалалар бўйича ишларнинг вазияти тўғрисида ахборот тайёрлаш;

- Жамият фаолияти тўғрисида махфий ахборотни ошкор қилмаслик;
- Жамиятнинг тижорат сирини ифодаловчи ахборотнинг махфий сақланишини таъминлаш;

- Жамият фаолиятида қонунчилик, ушбу устав, “Ижроия органи (Бошқарув) ҳақидаги” Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя этиш.

- Бошқарув аъзолари, қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10.35 Жамиятнинг Бошқарув раиси, Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади, жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан давлат корхоналарида, ташкилотларида ва турли хил мулкчилик шакли муассасаларда Жамиятнинг (чиқарилади) манфаатларини ифода этади.

Бошқарув раиси:

Акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув Кенгаши қарорларининг ижро этилишини ташкил қилади;

Ўрнатилган тартибда, Жамият фаолиятининг масалалари бўйича қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар лойиҳаларини Жамият Кузатув Кенгаши ҳукмига ҳавола қилади;

Жамиятнинг қонунчилик ва ички норматив ҳужжатлари билан назарда тутилган тартибда Жамиятнинг мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланади;

Жамият номидан шартномалар, контрактлар ва бошқа битимларни тузади;

Жамият номидан ишончномалар беради;

Ўзбекистон Республикаси банкларида Жамиятнинг ҳисоб рақамларини ва бошқа ҳисобларини очади;

Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоб-китобини тегишли равишда ва тўғри юритиши, тегишли органларга йиллик ҳисобот ва бошқа молия ҳисоботини ўз вақтида тақдим этилишини ташкилланишини, шунингдек Жамият фаолияти тўғрисида маълумотларни Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга берилишини таъминлайди;

давлат статистика ҳисоботларининг тўлиқ ва ўз пайтида тақдим этилишини таъминлайди (чиқарилади);

штатни тасдиқлайди, уларни малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминлайди;

ишчилар билан меҳнат шартномалари (контрактларни) тузади ва уларнинг тўхтатилиши (бекор қилиниши) тўғрисида қарор олади;

раис ўринбосарлари ва Бошқарув аъзолари ўртасидаги вазифаларни тақсимлайди, Жамият фаолиятига тегишли масалаларни ҳал қилишда уларнинг ваколатларини белгилайди;

шуъба корхоналар, филиаллар ва Жамият ваколатхоналарининг раҳбарларини тайинлайди;

Жамиятнинг барча мансабдор шахслар ва ишчилари томонидан бажарилиши шарт, унинг ваколатига кирувчи масалалар бўйича буйруқлар, фармойишлар, кўрсатмалар чиқазади, йўриқномаларни ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлайди;

Жамиятнинг бўлимлари ва тузилма бўлинмалари ҳақида низомларни тасдиқлайди;

амалдаги қонунчилик билан назарда тутилган интизомий жазоларни Жамият ишчиларига нисбатан қўллайди;

ишчиларни мукофотлантириш тўғрисида низомни тасдиқлайди, лавозимга тегишли маош, устамалар, турли хил қўшимча тўловларни белгилайди, Жамият ишчиларини мукофотлантиради, шунингдек Жамият ишчиларининг ижтимоий ҳимояси мақсадида товон пулларини белгилайди;

Қонунчилик, ушбу устав ва акциядорларнинг умумий йиғилиши билан тасдиқланадиган “Ижроия органи ҳақидаги” низом билан назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилади.

10.36 Бошқарув раиси, қуйидагиларга ҳақлидир:

Унинг ваколати доирасига кирувчи масалалар бўйича якка ҳолда қарор қабул қилиш;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, бошқа ташкилот ва органлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалаш;

Қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари қийматидан 5 (беш) фоизгачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида бўлган битим тузиш;

Кузатув Кенгаши розилиги билан унинг ишида маслаҳат бериш овози ҳуқуқи билан қатнашиш;

Кузатув Кенгаши розилиги билан Жамиятнинг бошқа ташкилотлари бошқариш органларида лавозим тутиш;

Ҳақ олиш, бунда ҳақ миқдори Жамият фаолиятнинг самарадорлигига тўғридан тўғри боғлиқ бўлиб, меҳнат шартномаси билан белгиланади.

Бошқарув раиси бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10.37 Бошқарув раиси қуйидагиларга мажбурдир:

Жамият манфаатларида иш юритиш;

Ўз мажбуриятларини улар билан тузилган меҳнат шартномаси моддаларига мувофиқ тегишли равишда бажариш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув Кенгаши қарорларининг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

Жамият бизнес-режаси парметрларининг бажарилишини таъминлаш;

Жамият Кузатув Кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида ҳисобот бериш;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ ахборот олиши, акциядорларнинг умумий йиғилишларида қатнашиш, дивидендларни ҳисоблаш ва тўланиши бўйича Акциядорларнинг барча ҳуқуқларига амал қилинаётганлиги устидан назорат қилиш;

Қонунчиликда ўрнатилган тартибда Жамият фаолияти тўғрисида маълумотларнинг тегишли равишда ошкор этилиш устидан назорат қилиш;

Жамиятнинг Кузатув Кенгаши, Тафтиш Комиссияси ёки аудиторлик ташкилоти талабига биноан Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тўсиқсиз тақдим қилинишини таъминлаш;

Бошқарув йиғилишларини ўтказилишини ташкил қилиш;

Жамият тузилма бўлинмаларининг самарали ўзаро ҳамкорлигин таъминлаш;

Жамиятнинг шартномавий мажбуриятларини амалга оширишини таъминлаш;

Жамият фаолияти тўғрисида махфий ахборотни ошкор қилмаслик;

Жамиятни малакали ишчилар билан таъминлаш бўйича, Жамият ишчиларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларини янада яхшироқ ишлатилиши бўйича чора –тадбирлар кўриш;

Қонунчилик билан ўрнатилган тартибда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ масалаларнинг ҳал қилинишини таъминлаш;

Жамият фаолиятида қонунчилик, ушбу устав, “Ижроия органи (Бошқарув) ҳақидаги” Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя этиш.

Бошқарув раиси, қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10.38 Бошқарув раиси, ҳар бир чорақда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари ва Жамият йиллик бизнес-режасининг бажарилиш жараёни тўғрисида Жамият Кузатув Кенгашига, йил натижаларида эса Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига ҳисобот беради.

10.39 Жамият Бошқаруви мажлисида баённома тутилади. Жамият Бошқаруви мажлис баённомаси, Жамият Кузатув Кенгаши ва (ёки) Тафтиш комиссияси аъзоларига талаб қилинганда тақдим қилинади.

Жамият Бошқаруви мажлисларини ўтказишни Бошқарув раиси ташкил қилади, ҳамда Жамият Бошқаруви мажлис баённомаларини имзолайди.

XI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ, БОШҚАРУВ РАИСИ ВА БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

11.1. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолари, Бошқарув раиси ва Жамият Бошқаруви аъзолари, ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва ўз мажбуриятларини бажариш пайтида Жамият манфаатларида иш юритишлари шарт ва ўрнатилган тартибда масъул бўлишади.

Агарда бир неча шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар ҳисобланади.

Суд жамиятнинг кузатув кенгаши аъзосини, директорини ёки бошқаруви аъзосини жамиятга мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг, директорнинг ёки бошқарув аъзосининг ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, директорини ёки бошқаруви аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи жамиятга чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

11.2. Овоз беришда қатмашмаган ёки Жамиятга зарар келтирилишига сабабчи бўлган қарорга қарши овоз берган Жамият бошқарувининг аъзолари ва Бошқарув раиси, Кузатув Кенгаши аъзолари, жавобгар бўлмайди.

11.3. Жамият ёки у жойлаштирган оддий акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида 1 (бир) фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни даъво қилиб кузатув кенгаши аъзоси, Бошқарув раиси ёки Жамият Бошқаруви аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

XII. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ- ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Тафтиш комиссияси

12.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун 1 (бир) йил муддатга акциядорларнинг умумий йиғилиши Тафтиш Комиссиясини сайлайди.

12.2. Тафтиш Комиссиясининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- йиллик фаолияти натижаларига кўра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш;

- бошқа давр учун фаолият натижаларига кўра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш;

- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат натижалари бўйича хулоса тузиш;

- Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимларнинг мавжудлиги тўғрисида хулоса тайёрлаш, шунингдек шундай битимларни тузишга Жамият ички ҳужжатлари ва қонунчилик талабларига риоя

этилганлиги тўғрисида ва ҳар чорақда Жамият Кузатув Кенгаши ҳукмига хулосабериш;

- Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига Жамиятда аффилиланган шахслар билан битимлар ёки йирик битимларни борлиги тўғрисида хулосалар бериш.

Тафтиш Комиссияси фаолияти тартиби, Акциядорларнинг умумий йиғилиши билан тасдиқланадиган “Тафтиш комиссияси ҳақида”ги Низом билан белгиланади.

12.3. Тафтиш Комиссияси миқдор таркиби, 3 (уч) кишидан иборат.

Бир шахснинг ўзи Жамият Тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет 3 (уч) мартадан кўпроқ сайлана олмайди.

Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек жамиятда меҳнат шартномаси (контракти) бўйича ишлаши мумкин эмас.

Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларига малакавий талаблар, “Тафтиш комиссияси ҳақида”ги Низом билан белгиланади.

12.4. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига биноан жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни унга тақдим этишлари шарт.

12.5. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича тафтиш комиссиясининг ташаббусига биноан, акциядорлар умумий йиғилишининг, кузатув кенгашининг қарорига ёки жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 5 (беш) фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан, Жамият Кузатув Кенгашини олдиндан билдириш йўли билан амалга оширилади.

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича тафтиш комиссияси хулоса тайёрлайди, хулосада қуйидагилар бўлиши шарт:

- ҳисоботларда ва Жамиятнинг бошқа молия ҳужжатларида акс эттирилган маълумотлар қай даражада тўғрилигига доир берилган баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳисоботини тақдим этиш тартиби, шунингдек молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш чоғида қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида ахборот.

12.6. Тафтиш комиссияси; ҳар чорақда Жамият Кузатув Кенгаши ҳукмига Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимларнинг мавжудлиги тўғрисида хулосани муҳокамага қўяди тайёрлаш, шунингдек шундай битимларни тузишга Жамият ички ҳужжатлари ва қонунчилик талабларига риоя этилганлиги тўғрисида хулоса беради. Аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимларнинг мавжудлиги тўғрисида хулоса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

12.7. Жамиятнинг тафтиш комиссияси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини ёзма талаб қилишга ҳақли.

б) Ички аудит хизмати

12.8. Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилган. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

12.9. Ички аудит хизмати Жамият Ижроия органининг, ваколатхоналари ва филиалларининг ишини назорат қилиш ва баҳолашни текширишлар ва уларнинг қонунчиликка, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя қилишини мониторинг қилиш, бухгалтерлик ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ва ҳаққоний акс эттирилишини таъминлаш, молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширишнинг қоидалари ва тартибига, шунингдек қонунчилик билан белгиланган Жамиятни бошқариш бўйича талабларига риоя қилиш орқали амалга оширади.

12.10. Жамиятнинг ички аудит хизмати фаолиятининг тартиби, қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг Кузатув Кенгаши билан тасдиқланадиган “Ички аудит бўлими тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

с) Аудиторлик ташкилоти

12.11. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва қонунчилик билан белгиланган тартибда унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

12.12. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри яқун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

XIII. ЖАМИЯТ ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ. ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ.

13.1. Жамият ва унинг бўлинмалари, Бухгалтерлик ҳисобининг Миллий Стандартига мувофиқ Бухгалтерлик ҳисобини юритади. Бухгалтерлик, солиқ ва статистика ҳисоботлари, амалдаги қонунчилик билан ўрнатилган тартибда тузилади.

Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўз молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида керакли бўлган маълумотларни солиқ ва бошқа давлат органларига тақдим этади.

Жамиятда бухгалтерия ҳисоб-китобини ташкил этиш, унинг ҳолати ва тўғри юритилиши, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молия ҳисоботлари, шунингдек акциядорлар, кредиторлар ва Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида жамият фаолиятига доир маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик, Жамият Бошқаруви зиммасида бўлади.

13.2. Жамият молия ҳисоботларида акс эттирилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим қилинадиган бухгалтерлик балансида, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг тўғри эканлиги, Жамият билан ёки унинг акциядорлари билан мулкӣ манфаатдор бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланиши керак.

13.3. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтазилиш санасига 30 (ўттиз) кундан кеч бўлмаган вақт ичида Жамият Кузатув Кенгаши томонидан олдиндан тасдиқланиши керак.

13.4. Жамиятнинг молиявий йили 1 январда бошланади ва 31 декабрда тугайди.

13.5. Жамият қуйидагиларни сақлаши шарт:

- Ўрнатилган тартибда рўйхатга олинган Жамият устави, уставга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар, Жамиятнинг ташкил қилиниши (тузиши) ва қайта ташкил қилиниши билан боғлиқ ҳужжатлар, Жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтганлигига доир Гувоҳнома;

- Жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни;

- Жамият тузилмасига кирувчи корхоналар ва бўлинмалар, Жамият филиаллари ва ваколатхоналари ҳақидаги уставлар ва низомлар;

- Жамиятнинг ягона акциядори қарорларини, Жамият Бошқаруви ва Кенгаши йиғилишларининг баённомалари, шунингдек Жамият Бошқаруви буйруқ ва фармойишларини.

XIV. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

14.1. Жамиятни тугатиш ва қайта ташкил этиш қонунчиликда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

XV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

15.1. Мазкур устав, қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб амал қилади.

15.2. Мазкур уставга тегишли ўзгартиришларни ўрнатилган тартибда киритгунга қадар қонунчиликнинг ўзгариши тақдирида, амалдаги қонунчилик нормалари қўлланилади.